

## Ёш тадбиркор-элга мададкор

2021 йил учун Мўлжалланган Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Ёшлар дафтари ва Темир дафтарга киритилган ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган ёшларни тадбиркорликка ўқитиш ва маҳсус сертификатлар асосида субсидиялар ажратиш мақсадида, институтимизда ёш тадбиркорлар томонидан дарслар ташкил этилди.



Дарслар иккита йўналиш бўйича ташкил этилган, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда саноат соҳасидаги тадбиркорликка йўналтирилган. Бир ҳафтага мўлжалланган дарсларда фаол иштирок этган ва келажакда ўзининг шахсий бизнесига асос солишини мақсад қилиб олган ёшларга маҳсус сертификатлар тақдим этилади ва банклар орқали мақсадли кредитлар ва субсидиялар ажратилади. "Ёш тадбиркор-элга мададкор" дастури доирасида ёш тадбиркорларни иш билан таъминлаш ва амалиётда ўзини синааб кўриш учун кенг имкониятлар яратиб берилади. Албатта, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда талаба қизларни ҳам ўз қизиқишиларидан келиб чиқкан ҳолда ўқитишга келишиб олинди ва ушбу дарслар ҳам институтимизда ташкил этилади.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**